

**Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан
хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1477-ҳадис**

1477 - وَعَنْ حُذَيْفَةَ وَأَبِي ذَرٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا أَوَى
إِلَى فِرَاشِهِ قَالَ: «بِسْمِكَ اللَّهُمَّ أَحْيَا وَأَمُوتُ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ [خ 6312، 6325 وسبق برقم
1465].

1477. Ҳузайфа ва Абу Зарр розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам тўшакларига ётсалар:
«Бисмикаллоҳумма аҳйаа ва амууту», дер эдилар.

(Маъноси: Аллоҳим, Сенинг исминг билан тириламан ва ўламан.)

Имом Бухорий ривояти.

Шарҳ: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам эрталаб ва кечқурун ўқиган дуо ва зикрлари каби уйғонганда ўқийдиган дуо ва зикрлари ҳам бор эди. Ётоқга ётганда ўқиладиган дуонинг аҳамияти юқоридаги ҳадисда шундай келган эди: «Ким бир ўринга ўтирсаю, Аллоҳни зикр қилмаса, у учун Аллоҳ томонидан нуқсон етади». Юқоридаги ҳадисда эса Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ўринларига ётгандан кейин айтадиган дуоларининг энг қисқаларидандир.

Манба: hadis.islom.uz



